Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 22-iyul, seshanba № 89 (3438)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифим давомида Сиз ва ўзбек халқи томонидан менга кўрсатилган иззат-икром учун Сизга самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Олий даражада бўлиб ўтган учрашувда давлатларимиз нафақат энергетика соҳаси, балки «электрон ҳукумат», ахборот технологиялари, тўқимачилик ва мудофаа саноати, қишлоқ хўжалиги, атроф-муҳит, инфратузилма ва бошқа кўплаб соҳаларда турли ҳамкорлик лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш тўғрисидаги келишувга эришди. Сиз билан келишиб олган муҳим лойиҳаларни бекаму кўст, тўла амалга ошириш учун яқиндан ҳамкорлик қилишимизга ишонаман.

Бўлиб ўтган учрашувлар натижасида мамлакатларимиз ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида биргаликда равнақ топишга интилаётган стратегик шериклар эканига амин бўлдим. Президент Жаноби Олийлари, Сизнинг халқаро ва минтақавий масалалар тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларингиз, шунингдек, Ўзбекистондаги корейс диаспорасига қаратаётган эътиборингиз мени ҳайратга солди ва чуқур таассурот қолдирди.

Жаноби Олийлари, мен яна шуни алоҳида миннатдорлик билан таъкидламоқчиманки, Тошкент шаҳри аэропортида мени шахсан кутиб олдингиз, Самарқанд шаҳрига мен билан бирга бордингиз. Бу билан самимий меҳмондўстлигингизни намоён этдингиз. «Афросиёб» музейидаги деворий расмларда акс эттирилган Когурё даври элчиларининг тасвири Буюк Ипак йўлининг қадимий тажрибаси бизнинг кунларимизда ягона Евроосиёда яна мужассамлаша олишига ишончимни мустаҳкамлади.

Президент Жаноби Олийлари, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстона муносабатлардан манфаатдор эканлигингиз ва уни астойдил қўллаб-қувватлаётганингиз учун Сизга миннатдорлик билдиришимга ижозат бергайсиз. Сизга мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистон Республикасига эса юксак равнақ ва тараққиёт тилайман.

Пак Кин ХЭ,
Корея Республикаси Президенти



БУНЁДКОР ТАЛАБА-ЁШЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида олий таълим муассасалари талабаларини ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг ёзги таътил вақтини фойдали меҳнатга жалб этиш ва амалиётини таъминлаш мақсадида «Бунёдкор — 2014» талабалар меҳнат отрядлари ташкил этилмоқда.

«Камолот» ЁИҲ Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Рустам Қобиловнинг айтишича, ҳудуддаги барча олий ўқув юртларида «Бунёдкор» талабалар меҳнат отрядлари тузилган. Уларга етарли меҳнат шароити яратиш мақсадида корхона-ташкилотлар билан шартномалар имзоланган. Бунёдкор талабалар корхона-ташкилотлар томонидан турар-жой, иссиқ овқат, иш ҳақи билан таъминланади.

Самарқанд давлат университетининг табиий фанлар факультети талабаларидан иборат «Бунёдкор» меҳнат отряди Пастдарғом туманидаги «Камолот» маҳалласида барпо этилаётган намунавий турар-жой бинолари қурилишида қатнашмоқда.

Суратда: *СамДУ табиий фанлар факультети биология йўналиши талабалари.*

ЎзА фотомухбири
Алишер ИСРОИЛОВ
олган сурат

Шукрона

Нуронийлар нафақат ўз хонадонининг, балки элюртининг кўрки, иймон қалъаси.

Уларнинг дуолари билан эл кўкаради, юрт яшнайди. Ҳаётий тажрибалари ёшларга сабоқ. Салкам 70 баҳорни қаршилаган Ўғилой биби

«Кўзларимга тўтиё, юртим...»

ва 80 ёш остонасида турган унинг турмуш ўртоғи Умар ҳожи Қандов ана шундай табаррук нуронийлардан. Беш нафар фарзанди, 20 га яқин невара, 3 чевара даврасида қарилик гаштини сураётган ҳожи ота ва ҳожи онанинг тилларида дуо, дилларида шукрона. Озодликни алқаб, тинч-осойишта кунларга иймон келтириб, дуога қўл очадилар:

— Она Ўзбекистонимизга кўз тегмасин. Мустақиллигимиз дунё тургунча турсин. Тинчлик-хотиржамлик барқарор бўлсин. Илоё давлатимиз бой, Йўлбошчимиз омон бўлиб, халқимизнинг боши тўйдан чиқмасин.

(Давоми 3-саҳифада).

Сарҳисоб

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг XI-мажлиси бўлиб ўтди. Унда касаба уюшмалари фаолиятининг 2014 йил 1-ярим йиллик якунлари таҳлил этилди. Кун тартибидаги масала юзасидан Федерация Кенгаши раиси Танзила Нарбаева маъруза қилди.

Таҳлил ва галдаги устувор вазифалар

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда 1 та Бош келишув, республика миқёсидаги 85 та тармоқ (тариф) келишуви, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида 14 та ҳудудий келишув, бевосита корхона ва ташкилотларда 97 минг 583 та жамоа шартномаси амал қилмоқда. Меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликнинг шакл ва услубларини янада ривожлантириш, жамоа шартномалари ва келишувлари мазмун-моҳиятини бугунги кун талаблари асосида такомиллаштириш юзасидан амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида касаба уюшмалари аъзолари меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахсларнинг 96,3 фоизи жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олинишига эришилди. Айни чоғда бу борадаги ишлар сифатини ошириш мақсадида барча касаба уюшма ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатиш тизими такомиллаштирилиб, Федерация Кенгашининг эксперт комиссияси томонидан 14 та тармоқ ҳамда 11 та ҳудудий келишув экспертиза қилинди ҳамда улар юзасидан тегишли хулосалар берилди.

Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2011 — 2013 йиллар учун Бош келишувнинг якуний ижроси Учтомонлама комиссиянинг мажлисида муҳокама қилинди. Ҳукумат, давлат идоралари, касаба уюшмалари ташкилотлари ва иш берувчилар вакиллари иштирок этган мазкур тадбирда 2014 — 2016 йиллар учун тузилган Бош келишувнинг 2014 йилга мўлжалланган аниқ вазифалар ижросини таъминлаш натижасида турли тармоқларда меҳнат қилаётган ходимларга ижтимоий кафолат ва имтиёзлар кўлами янада кенгайтирилди. Ҳар бир соҳанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда давлат ташкилотлари, кичик корхоналар, тиббиёт ва таълим муассасалари, фермер хўжаликлари учун мўлжалланган жамоа шартномалари макетларининг ишлаб чиқилиши ходимлар ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш имконини берди. Фаолиятнинг очиқлигини таъминлаш мақсадида иш берувчилар ва касаба уюшма қўмиталарининг ходимлар олдида ҳисобот бериш тизими сифат жиҳатидан яхшиланди. Шунингдек, жамоа шартномаларида аёллар ва ёшлар учун қўшимча имтиёзлар қайд этилиб, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенцияларига риоя этилишини таъминлашга оид бандлар киритилди.

Касаба уюшмалари тизимини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган ишлар ҳам изчиллик билан олиб борилди. Хусусан, Федерация Кенгаши ўқув марказида касаба уюшма ташкилотларининг 599 нафар ходими барча йўналишлар бўйича ўқитилди, масофавий ўқув тизими орқали 678 нафар ходимнинг малакаси оширилди. «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг 2013 йилги ғолиби бўлган бошланғич ташкилотлар иш тажрибасини оммалаштириш мақсадида жойларда уюштирилган ўқув-семинарлари бу борада айни муддао бўлди.

(Давоми 2-саҳифада).

Раёсат йиғилиши

Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсат йиғилишида тизим фаолияти билан боғлиқ бўлган кўплаб долзарб масалалар атрофлича муҳокама этилди. Йиғилишни Федерация Кенгаши раиси Танзила Нарбаева олиб борди.

Дастлаб кун тартибидан ўрин олган биринчи масала – «Жиззах ва Сурхондарё вилоятлари касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини қайта ўрганиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш якунлари тўғрисида»ги масала муҳокама этилди.

Масъулиятли ёндашув — самарадорлик омили

Таъкидланганидек, касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ишчи гуруҳи томонидан Жиззах ва Сурхондарё вилоятлари касаба уюшма ташкилотларининг 2012-2013 йиллар давомидаги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар режаси тасдиқланган эди. Шунга кўра, ҳар икки вилоят бирлашмаси кенгаши раёсати қарори билан тасдиқланган алоҳида чора-тадбирлар режаси барча касаба уюшмалари ташкилотларига етказилган.

Жорий йил Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида бу борада амалга оширилган ишлар қайта ўрганилиб, муайян натижаларга эришилгани маълум бўлди. Жумладан, ҳар икки вилоят бирлашма кенгашлари масъул ходимлари туман ва тармоқларга бириктирилиб, туман кенгашлари ва бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган.

Чунончи, ўтган йил ноябр-жорий йил май ойларида Жиззах вилоятида 794 та бошланғич ташкилотга амалий ёрдам кўрсатилиб, натижалари муҳокама қилинган ва тегишли тадбирлар амалга оширилган. Сурхондарё вилоятида ҳам касаба уюшма ходимларидан иборат Ишчи гуруҳлар тузилиб, 832 та касаба уюшма ташкилотига амалий ёрдам кўрсатилган ва натижалари бўйича ҳар бир туманда амалий семинарлар ташкил этилган.

Жорий йилнинг биринчи ярмида Жиззах вилоятидаги 477 та, Сурхондарё вилоятидаги 489 та нодавлат секторига мансуб корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган 8 минг 134 нафар ходим касаба уюшмасига жалб этилганлиги аҳамиятлидир. Шунингдек, аъзолар меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахсларнинг Жиззах вилоятида 98,4, Сурхондарё вилоятида эса 96.8 фоизи жамоа шартномалари билан қамраб олинишига эришилган.

Раёсат аъзолари томонидан Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш тармоғининг нодавлат мулк шаклидаги корхоналарида ва кичик бизнес субъектларида аёллар ва ёшлар учун меҳнат шароитларини яратиш, бу борада жамоа шартномалари ва келишувларига киритилаётган ижтимоий кафолат ва имтиёзлар, уларни амалга ошириш юзасидан касаба уюшма органлари томонидан олиб борилаётган ишлар ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Қайд этиш жоизки, тармоқ ходимлари касаба уюшмасининг республика, туман (шаҳар) кенгашлари, масъул ташкилотчилари ва бошланғич ташкилотлари томонидан бир мунча ишлар олиб борилмоқда. Тармоқ келишувларига аёллар ва ёшлар меҳнатини тартибга солиш хусусиятларини акс эттирувчи бўлимлар киритилган ва бажарилиши назоратга олинган.

Тармоқнинг илғор корхоналарида жамоа шартномалари бажарилиши назоратга олиниб, аёллар ва ёшлар учун тегишли меҳнат ва дам олиш шароитлари яратилган, ходимларга моддий ёрдам, овқатланиш ва йўлкира пуллари, махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари, сут-қатиқ маҳсулотлари, қўшимча таътиллар мунтазам бериб борилмоқда. Шунингдек, ёшлар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, фаол талабалар ва ёш мутахассисларни рағбатлантиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада).

2014 йил — Соғлом бола йили

Фарзандлар камоли, оилалар аҳиллиги йўлида

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бошқарувининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, хотин-қизлар қўмиталари, маҳаллалар фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари иштирок этди.

Қўмитанинг 2014 йил биринчи ярим йилидаги фаолияти, «Соғлом бола йили» Давлат дастури, мазкур жамоат ташкилотининг ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ижроси атрофлича муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова бошқарган йиғилишда таъкидланганидек, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг роли ва мавқеини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий фаоллигини оширишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси шакллантирилган.

(Давоми 3-саҳифада).

ТОШКЕНТ

Тошкент вилоятининг Паркент туманида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Туман ҳокимлиги, прокуратура, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда юзга яқин корхона, ташкилот ва фермер хўжалиги иштирок этди.

Уч курсдош бирга ишлайди

Тадбирда иштирок этган ёшларнинг аксарияти ишга кириш учун йўлланма олди. Мустақил равишда иш бошлаш истагидаги юз нафарга яқин йигит-қизга имтиёзли кредит ажратиш белгиланди.

— Тадбиркорлик касб-ҳунар коллежини тамомладим, — дейди паркентлик Хуршида Нажмиддинова. — Ярмаркада туманимиздаги «Баҳор илҳоми» хусусий корхонасига ишга кириш учун йўлланма олдим. Курсдошларим Сарвиноз ва Дилфуза ҳам шу корхонада фаолият бошлайдиган бўлди. Энди уч курсдош бир жойда ишлаймиз.

АНДИЖОН

Андижонда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини оширишга қаратилган ҳудудий семинар ўтказилди.

Сайловларга пухта тараддуд

— Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида сайлов қонунчилиги янада такомиллаштирилмоқда, — дейди вилоят сайлов комиссияси раиси Абдиғулом Султонов. — Хусусан, сайлов ҳуқуқи эркинлиги, сайловларнинг очиқлиги ва шаффофлиги принциплари тўла амалга ошишини таъминлаш, мамлакатимиз сайлов тизимининг янада демократлашуви, депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш борасида тенг шароитлар яратиш, умуман, сайлов жараёни билан боғлиқ ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Семинарда «Ўзбекистон миллий сайлов қонунчилигининг янада демократлашуви», «Ўзбекистонда демократик сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда сайлов комиссияларининг роли ва улар олдида турган долзарб вазифалар» сингари қатор мавзуларда маърузалар тингланди.

СУРХОНДАРЁ

Термиз шаҳрида тўқимачилик ва енгил саноат соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ролига бағишланган семинар ўтказилди.

Тўқимачилик саноати ривожланмоқда

Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қулай инвестицион ва ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар тўқимачилик ҳамда енгил саноатни юксалтиришда муҳим омил бўлаётир. Соҳани ривожлантиришга маҳаллий ва хорижлик сармоядорларнинг катта қизиқиш билдираётгани замонавий ускуналар билан жиҳозланган янги қувватларни ишга тушириш, мавжуд корхоналарни техник ва технологик янгилаш, модернизация қилиш йўлида кенг имконият яратмоқда.

Сурхондарё вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ана шу ҳақда атрофлича фикр юритилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида Термиз шаҳри ва туманларда 550 дан ортиқ тикув дастгоҳи ўрнатилиб, олти юзга яқин янги иш ўрни яратилди.

— Хорижнинг 20 замонавий бичиш-тикиш дастгоҳини ўрнатиб, аёллар ва болалар кийимкечаклари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди Термиз шаҳридаги «Лола Имкон Барака» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Сайёра Қувватова. — Натижада қирққа яқин хотин-қиз иш билан таъминланди. Айни пайтда маҳсулотларимиз маҳаллий бозорда харидоргир. Келгусида маҳсулот турларини янада кўпайтириб, қўшимча иш ўринлари яратишни режалаштирганмиз. Фаолиятимизни ривожлантиришда тижорат банкининг имтиёзли кредит маблағлари қўл келмоқда.

Семинарда соҳани янада ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

ЎзА

Ishonch
2014-yil 22-iyul № 89 (3438)

Таҳлил ва галдаги устувор вазифалар

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Корхона, ташкилот ва муассасаларда амал қилаётган жамоа шартномалари ва келишувларида кўзда тутилган мажбуриятларнинг бажарилиши доирасида 13 минг 600 нафарга яқин фуқаро ва 46,5 мингга яқин оилага 36,5 млрд. сўмликдан зиёд ижтимоий кўмак берилди. Шу жумладан, 280 та корхонада 1 минг 342 та ёш оилага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун 29 млрд. 342,2 млн. сўмлик фоизсиз ссудалар берилди. 2 ёшдан 3 ёшгача фарзандлари бўлган 4 минг 640 нафар ёш оналарга 666,7 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Нодавлат мулк шаклидаги 1 минг 205 та корхонада меҳнат қилаётган 2 минг 369 нафар болали аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда, иш вақтини ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгилаш учун иш берувчилар ҳисобидан 185,4 млн. сўм маблағ йўналтирилди. Ходимларнинг 1 минг 390 нафар фарзандига чет тилларини ўргатишга 854 та корхонада 193,4 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Ҳар бир соҳанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, давлат ташкилотлари, кичик корхоналар, тиббиёт, таълим муассасалари, фермер хўжаликлари учун мўлжалланган жамоа шартномалари макетларининг ишлаб чиқилиб, жойларга етказилиши турли тармоқларда меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси самарадорлигини оширди. Хусусан, ушбу локал ҳужжатлардаги ижтимоий кафолат ва имтиёзлар кўлами янада кенгайтирилиб, меҳнаткашлар манфаатлари ҳимояси кучайтирилди.

Маълумки, республикада ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 55,8 фоизи кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Мажлисда сўнгги йилларда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини касаба уюшмаларига жалб этиш, бу орқали уларда меҳнат қилаётган ходимлар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, касаба уюшмаларига янги жалб этилган корхона ва ташкилотларнинг аксариятини Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси тармоқларидаги корхоналар ташкил этади. Мазкур корхоналарда бошланғич ташкилотлар фаолиятини йўлга қўйиш билан бирга, замон талаблари даражасидаги жамоа шартномаларини тузиш ва унинг амалдаги ижросини таъминлаш касаба уюшмаларининг диққат марказида бўлмоқда. Шу мақсадда қуйи касаба уюшма органларига амалий ёрдам тизими кучайтирилиб, тегишли тартибда жамоа шартномавий муносабатлар бўйича уларнинг билим ва малакалари оширилмоқда.

Йиғилишда фермер хўжаликлари билан тўлақонли жамоа шартномаларини тузиш юзасидан тизимда мавжуд ижобий иш тажрибалари, уларни оммалаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам атрофлича таҳлил этилди. Энг устувор вазифалардан бири бўлган аҳоли бандлигини таъминлаш борасида касаба уюшмалари томонидан олиб борилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, мазкур вазифаларни амалга ошириш доирасида 1-ярим йилликда касаба уюшма фаоллари томонидан 3 минг 122 та корхона, ташкилот ва муассасада 26 минг 544 та янги иш ўрни ҳақиқатда яратилганлиги ўрганиб чиқилиб, бир қатор масалалар юзасидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари, бандликка кўмаклашувчи марказлар билан биргаликда тааллуқли хўжалик раҳбарларига тегишли кўрсатмалар берилди. Янги иш ўринларининг яратилиши бўйича жамоатчилик назоратини янада кучайтириш мақсадида Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида касаба уюшма ходимлари учун семинарлар ташкил этилди.

Касаба уюшмалари ўз маблағлари ҳисобидан иш ўринлари яратиш ҳамда уларда хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашга диққат-эътибор билан ёндашмоқда. Касаба уюшмалари томонидан жорий йилнинг 6 ойи мобайнида 99 та янги иш ўрни яратилди. Хусусан, касаба уюшмалари тизимида жорий йилда фойдаланишга топширилган «Oqtosh-shaboda» дам олиш оромгоҳида 10 та, «Kasaba qurilish ta'mir» шўъба корхонасида 50 та, Самарқанд вилоятида фаолияти йўлга қўйилган Гўзаллик салонида 3 та, Андижон вилоятидаги «Боғишамол» болалар оромгоҳида 2 та янги иш ўрни яратилди. Навоий, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида касаба уюшмалари ҳисобидан хотин-қизлар учун иш ўринларини яратиш лойиҳаси доирасида тикувчилик цехлари фаолияти йўлга қўйилиб, уларда 34 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари томонидан битирувчиларнинг қўнимлилигини жойига чиқиб ўрганиш тизимининг жорий этилиши коллеж битирувчиларини иш жойларида муқим ўрнашиб қолишларига кўмаклашиш билан бирга, касбий кўникмаларини ривожлантириш имконини бермоқда. Корхонада амалиёт ўтаётган кам таъминланган оиладан бўлган коллеж ўқувчиларига ҳамда ишга янги қабул қилинган битирувчиларга бошланғич касаба уюшма ташкилотлари томонидан энг кам иш ҳақининг 50 фоизигача бўлган миқдорда моддий ёрдам берилиши ҳам айни муддао бўлмоқда.

Касаба уюшмалари мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Хусусан, Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича ишлар изчил давом эттирилмоқда. Мазкур қарор билан тасдиқланган Дастурга мувофиқ ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишига бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови ўтказилмоқда. Бугунги кунга қадар корхона, ташкилот ва муассасаларда танловнинг биринчи босқичи, туман ва шаҳарлар миқёсида иккинчи босқичи, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида эса учинчи босқичи якунланиб, айни дамда танловнинг республика-тармоқ босқичи ўтказилмоқда.

Шунингдек, ҳисобот даврида касаба уюшмалари томонидан меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида муайян ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди. Жумладан, ўтган 6 ойда Федерация тизимидаги касаба уюшма ташкилотларига меҳнаткашларнинг 3633 та, шу жумладан, 1536 та ёзма, 2066 та оғзаки ва 83 та интернет тармоғи орқали йўлланган мурожаатлари кўриб чиқилиб, аксарияти ижобий ҳал этилди. «Ишонч телефонлари» орқали 1105 нафар фуқарога ҳуқуқий маслаҳат берилди. Ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кўзлаб судларга киритилган 52 та даъво аризаларининг 43 таси қаноатлантирилди. Мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра 632 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланиши таъминланди. Касаба уюшма ташкилотларининг ҳудудий бирлашмаларида ташкил этилган жамоатчилик қабулхоналари орқали аҳолига бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизими ҳам кенгайиб бормоқда.

Шу билан бирга, бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш, иш берувчиларнинг меҳнат қонунчилиги соҳасидаги билимларини кенгайтириш йўналишидаги ишларга эътиборни кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Хусусан, соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг бу борадаги тажрибасини оммалаштириш, жамоатчилик назорати доирасида корхона, ташкилотларда меҳнат қонунларига роя этилишини ўрганиш йўналишидаги ишларни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолият ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар, касб касалликларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги билан аҳамиятлидир. Йиғилишда меҳнат муҳофазаси масаласига ҳар бир корхона, ташкилот, муассасанинг ўзига хос хусусиятлари, фаолият йўналишини инобатга олиб, индивидуал ёндашиш йўналишида олиб борилаётган ишларга эътиборни кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш борасида вазирлик, идоралар томонидан олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириб бориш мақсадида «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича республика Мувофиқлаштириш Кенгаши»ни тузиш йўналишида олиб борилаётган ишларга тўхтаб ўтилди.

Нодавлат сектори корхоналарини касаба уюшмаларига жалб этиш бўйича тасдиқланган режатақсимотга мувофиқ жорий йилнинг 1-ярмида 5 минг 834 та ташкилот касаба уюшмаси хизматига жалб этилиб, 65 минг 839 нафар ходим аъзоликка қабул қилинган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 2,5 баробарга кўпдир. Бунда ҳудудларда касаба уюшмаларига янги жалб этилган корхона, ташкилотларнинг бошланғич ташкилотлари раислари учун алоҳида ўқувлар ташкил этиш йўналишидаги ишлар айни муддао бўлмоқда. Эндиликда худди шундай тизимни қўллаган ҳолда туманларда кичик бизнес субъектлари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказишни йўлга қўйиш, буни аниқ жадваллар асосида, туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда амалга ошириш лозимлиги қайд этилди.

Сўнгги йилларда Федерация Кенгашининг халқаро фаолияти тобора кучайиб бораётганлиги, ушбу йўналишда, айниқса, Халқаро Меҳнат Ташкилоти билан ҳамкорликнинг самараси яққол кўзга ташланаётгани эътироф этилди. Тизимда ташкил этилаётган халқаро анжуманларда Ўзбекистоннинг меҳнат муносабатлари соҳасидаги тажрибаси юқори баҳоланиб, ижтимоий шериклик ва ижтимоий мулоқотни ривожлантириш йўналишидаги ишлар ҳорижий экспертларда қизиқиш уйғотмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 24 апрел куни Тошкент шаҳрида «Фуқаролар меҳнат ҳуқуқларининг таъминланиши: Ўзбекистон тажрибаси ва меҳнат соҳасидаги халқаро стандартлар» мавзуида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференция ишида давлат органлари, касаба уюшмалари, иш берувчилар бирлашмалари, фуқаролик жамиятининг турли институтлари, олимлар ва мутахассислар, шунингдек, Озарбайжон, Қозоғистон, Россия, Япония касаба уюшмалари марказлари ва экспертлари, Ўзбекистонда аккредитация қилинган халқаро ташкилотлар (БМТ Тараққиёт дастури, Халқаро меҳнат ташкилоти, Европа Иттифоқи, ЕХҲТ, Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси, Ф.Эберт жамғармаси) вакиллари иштирок этди. Конференцияда фуқаролар меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва келгуси вазифалар, бу борадаги халқаро стандартлар ва Ўзбекистон тажрибаси кўриб чиқилди ҳамда тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан Халқаро Меҳнат Ташкилоти ўртасида «2014-2016 йиллар учун Ўзбекистон Республикасида муносиб меҳнат дастури» қабул қилинди. Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида Ф.Эберт жамғармасининг минтақавий директори П.Тешендорф, таълим бўйича Глобал Ҳамкорлик Котибияти миссияси, Жаҳон банки вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Мулоқотлар асноси уларга республикамизда меҳнат ва ижтимоий соҳаларда эришилган ютуқлар, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари манфаатларини таъминлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар тўғрисида батафсил ахборот берилди.

Шунингдек, касаба уюшмалари тизимида халқаро туризмни ривожлантириш мақсадида Малайзия ва Сингапур давлатларига ташриф буюрилиб, маҳаллий туристик ташкилотлар вакиллари билан музокаралар ўтказилди, уларга Ўзбекистоннинг бой тарихи, тарихий объектлари, табиати тўғрисидаги тарғибот материаллари тақдим этилди.

Мажлисда, шунингдек, ҳисобот даврида меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари маънавиятини юксалтириш йўналишидаги ишларнинг тизимли равишда давом эттирилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Хусусан, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар мазмун-моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини меҳнаткашларга, айниқса, ёшларга атрофлича тушунтириш ва тарғиб этишни йўлга қўйиш мақсадида касаба уюшмалари ташкилотларида Намунавий дастур асосида мунтазам равишда «Маънавият соатлари» ўтказиб келинмоқда. Ҳар ойда 28 мингга яқин касаба уюшма ташкилотларида ўтказилаётган «Маънавият соатлари»да 3 млн. нафардан ортиқ ишчи-ходимларнинг иштирок этаётгани аҳамиятлидир.

Касаба уюшмалари миллий ва касб байрамлари арафасида ҳар бир меҳнат жамоасида ишчи-ходимлар кайфиятининг кўтаринкилигини таъминлаш мақсадида тизимли равишда маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Корхона, ташкилот ва муассасаларда, ҳарбий қисмларда, чегара ҳудудларида жойлашган ҳарбий гарнизонлар, олий ҳарбий ўқув юртларида маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар, ҳарбий ватанпарварлик мавзуларида ўтказилаётган давра суҳбатлари ва учрашувлар, спорт мусобақалари ва байрам тадбирлари шулар жумласидандир.

Касаба уюшмалари томонидан ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, ҳарбий хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар фарзандлари, Иккинчи жаҳон уруши, Афғонистонда хизмат қилган фахрийларни қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилмоқда. «Аёлни қадрлаш — миллатни қадрлаш» туркум тадбирлари доирасида турли соҳаларда самарали фаолият юритаётган илғор ва фаол хотин-қизлар рағбатлантирилди, ижтимоий ҳимояга муҳтож, хусусан, боқувчисини йўқотган, ногирон, «Саховат» уйларида яшаётган аёллар ҳолидан хабар олиниб, ушбу мақсадлар учун 497,3 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

«Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» акцияси доирасида ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган 29 минг нафардан ортиқ ижтимоий ҳимояталаб, ёлғиз оилалар, жисмоний имконияти чекланган инсонлар, уруш ва меҳнат фахрийлари моддий рағбатлантирилди. «Меҳрибонлик», «Мурувват» ва «Саховат» уйларига ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди.

«Касаба уюшмалари — фахрийларга» акцияси доирасида касаба уюшмалари томонидан 3 минг 831 нафар Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси манзилли қўллаб-қувватланди. Уруш ва меҳнат фахрийларидан 60 нафарига касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга бепул йўлланмалар берилган бўлса, 955 нафарига эсдалик совғалари топширилди, 298 нафарининг тарихий шаҳарларга саёҳатлари ташкил этилди. «Касаба уюшмалари — болаларга!» акцияси доирасида ташкил этилган турли тадбирлар, рағбатлантириш, моддий қўллаб-қувватлаш каби эзгу тадбирлар учун 823 млн. сўмга яқин маблағ йўналтирилди. Қарийб 64 минг нафар меҳнаткаш ва уларнинг оила аъзолари, шу жумладан 21 минг нафарга яқин кам таъминланган оилалар вакиллари учун республикамизнинг диққат-га сазовор тарихий шаҳарлари ҳамда мустақиллик йилларида барпо этилган иншоотларга саёҳатлар ташкил этилди.

Касаба уюшмалари томонидан ёш авлодни санъатга жалб этиш, меҳнаткашларнинг иқтидорли фарзандларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, меҳнат жамоаларида спортнинг оммавийлигини ошириш, шу жумладан ходимлар гимнастикасини ривожлантириш йўналишидаги ишлар ҳам изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Санаторийлар ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг моддий-техник негизини кучайтириш, ходимларни ҳамда уларнинг фарзандларини дам олдириш ва соғломлаштириш соҳасида ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар диққатга сазовордир. Жумладан, Федерация Кенгаши тасарруфидаги санаторийларда соғломлаштирилганлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 111,4 фоизга ортди. 21 минг 206 нафар меҳнаткашлар имтиёзли равишда соғломлаштирилди ва уларнинг сони 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 4432 нафарга ёки 26,5 фоизга ортди.

Касаба уюшмалари тизимида янги «Ҳавотог» санаторийсини барпо этиш, «Чортоқ», «Ботаника», «Хонқа», «Чимён», «Абу Али ибн Сино» санаторийларида капитал таъмирлаш, қурилиш ва реконструкция ишларини амалга оширишга 8 млрд. 961 млн. сўм маблағ йўналтирилди. Хива шаҳрида 30 ўринли меҳмонхона қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Меҳнаткашлар фарзандларини соғломлаштириш мақсадида ёзги мавсумда 1 минг 85 та оромгоҳда 282 минг нафарга яқин болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича белгиланган барча чора-тадбирлар ўз вақтида амалга оширилмоқда. «Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича Манзилли дастур»га асосан 7 та оромгоҳда реконструкция ишлари ва 11 та оромгоҳда капитал таъмирлаш ишлари тўлиқ тугатилиб, ушбу ишлар учун 13 млрд. 78 млн. сўм маблағ сарфланди. Касаба уюшмалари тизимидаги «Хонжиза», «Мирзо Улуғбек», «Чорчинор», «Норин», «Ишонч» болалар оромгоҳларида қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари учун 9 млрд. 300 млн. сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

Касаба уюшмалари тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис касаба уюшмалари фаолиятининг жорий йилдаги устувор йўналишлари қаторига тизимда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда электрон ахборот ва ҳужжат айланиш тизимига тўлиқ ўтиш ишларини босқичма-босқич амалга ошириш масалалари ҳам киритилган. Бошланғич ташкилотларгача ҳужжатларни электрон тизим орқали етказиш мақсадида аниқ тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, касаба уюшмалари ҳудудий бирлашмалари ва туман кенгашларининг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича моддий техника базаси ва инфратузилма ҳолатини босқичма-босқич яхшилаб бориш, электрон ҳужжат айланиши тизимларини янада фаолроқ жорий этиш ва электрон рақмли имзолар билан таъминланган оилалар вакиллари учун республикамизнинг диққат-эътиборидаги имтиёзли дам олдиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Жамоатчилик билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида Ташқи ишлар вазирлигининг «Жаҳон» ахборот агентлиги билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилиб, республика касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятининг устувор йўналишлари ва улар томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги маълумотлар халқаро интернет нашрларида чоп этиб борилмоқда.

Федерация Кенгашининг Интернет тармоғидаги расмий Порталида «Бепул ҳуқуқий маслаҳат», «Касаба уюшмалари акциялари», «Касаба уюшмасига қандай аъзо бўлинади?», «Касаба уюшмаси ташкилоти қандай тузилади?», «Касаба уюшмаси фаолига ёрдам», «Касаба уюшмаси ёрдам берди» блоклари фаолияти йўлга қўйилди. «Жамоа шартномалари макетлари», «Санатор соғломлаштириш», «Болаларни соғломлаштириш», «Касаба уюшмаси меҳмонхоналари», «Касаба-сайр» интерактив хизматлари жорий этилди.

Порталга нафақат республикамиз, балки кўплаб хорижий давлатлардан кирувчи бир-бирини такрорламайдиган манзилдан бўлган ўқувчилар сони 10 минг нафардан ортди ва улар жорий йилнинг 6 ойи давомида Федерация Кенгаши Портали билан қарийб 35 минг марта танишди, шунингдек, Порталга кундалик кирувчилар сони 140 нафарга етди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш ҳамда амалга оширилаётган ишларни ёритишга оммавий ахборот воситалари ходимларини янада кенг жалб этиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг журналистика соҳасида «Инсонга наф келтириш — олий бахт» республика танлови ўтказилди.

Мажлисда энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Республикамиз Мустақиллигининг 23 йиллиги олдидан мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини меҳнаткашлар, айниқса, ёшлар онгига сингдириш, Ўзбекистоннинг 23 йиллик мустақил тараққиёт йўлида турли соҳаларда қўлга киритилган ютуқ ва муваффақиятлари, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудрати, туб ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини корхона, ташкилот ва муассасалардаги ишчи-ходимларга етказиш касаба уюшмаларининг ташкилий-амалий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларининг асосини ташкил этаётганлиги алоҳида таъкидланди. Хусусан, бугунги кунда «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида барча корхона, ташкилот ва муассасаларда маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар ўтказилмоқда.

Мажлис якунида муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди ҳамда истиқболдаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари

Масъулиятли ёндашув — самарадорлик омили

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Раёсат йиғилишида, шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмаларининг жорий йил олти ойи давомида «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида олиб бораётган ишлари таҳлил этилди.

Қайд этилганидек, соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантиришга қаратилган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, бу борада фуқароларга ҳуқуқий кўмак беришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган давр-да Федерация Кенгаши ва ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаларида ташкил этилган юридик маслаҳатхоналарда 1410 та оғзаки, «Ишонч телефонлари» орқали 1701 та мурожаат қабул қилиниб, улар бўйича бепул ҳуқуқий маслаҳатлар берилиши таъминланди.

Ёш оилалар, аёллар ва болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш, зарур шарт-шароитлар яратишга эътибор кучайтирилди. Корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланган жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 280 та корхонада 1 342 нафар ёш оилага уй-жой қуриш ҳамда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни ҳарид қилиш учун иш берувчи ва касаба уюшма маблағи ҳисобидан фоизсиз ссудалар ажратилди.

Нодавлат мулк шаклидаги 1 245 та корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган болали 2 369 нафар аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақтини ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланди. Федерация Кенгаши томонидан Хоразм, Сурхондарё ва Навоий вилоятларида хотин-қизлар учун иш ўрни яратиш мақсадида 100,0 млн. сўм ажратилиб, ҳозирда тикувчилик цехи ташкил этиш орқали Навоийда 16 та, Хоразмда 9 та, Сурхондарёда 12 та иш ўрни яратилди.

Касаба уюшмаларига қарашли соғломлаштириш муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада 6 млрд. 661 млн. 900 минг сўмлик иш бажарилди. Жорий йил ўтган даврида республика касаба уюшмалари сиҳатгоҳларида кам таъминланган оилалардан 123 нафар аёл, 66 нафар тиббиёт ходими, 68 нафар таълим ходими бепул соғломлаштирилди. Ёш оилаларнинг 121 нафар ишлайдиган аъзоларига «Умид гулшани» санаторийсига имтиёзли йўлланма берилди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни байрами арафасида «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида республикадаги 15 та болалар «Мурувват» ва «Меҳрибонлик» уйларига компьютер жамламалари топширилди. Тизимдаги санаторийларда «Она ва бола» бўлимлари, болалар хоналари ҳамда санаторийлар ҳудудида ёзги болалар ўйингоҳлари ташкил этиш ва замонавий жиҳозлаш, шунингдек, гинекология бўлимларини бир маротаба ишлатиш учун асбоблар билан таъминлаш ишларига 298,0 млн. сўм маблағ сарфланди.

Республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини ўқувчи-ёшлари ўртасида Наманган вилоятида ўтказилган «Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақалари иштирокчилари Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан 56,1 млн. сўмлик совғалар билан рағбатлантирилгани эътиборга молик.

Касаба уюшмалари томонидан маданият муассасаларида фаолият юритувчи болалар бадиий жамоалари қатнашчилари ўртасида «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танлови босқичма-босқич ўтказилди. Биринчи босқичда жойлардаги 300 га яқин маданият муассасаларида фаолият юритаётган болалар бадиий жамоаларидан 10 мингга яқин, вилоят босқичларида эса 2 554 нафар, Фарғона, Тошкент, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида ўтказилган республика босқичида 391 нафар ёш иқтидорлар иштироки таъминланди.

Меҳнаткашлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида Касаба уюшмалари соврини учун ҳаваскор велоспортчилар ўртасида «Касаба-тур» Веломарафонининг қуйи босқичлари корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтказилиб, унда 42 587 дан ортиқ ҳаваскор велоспортчилар иштирок этди. Май ойида Тошкент шаҳрида ўтган республика босқичида 500 дан зиёд ҳаваскор велоспортчи қатнашди.

Федерация Кенгаши томонидан Тошкент шаҳар Миробод тумани «Навбаҳор», «Мустақиллик», «Толарик» маҳаллаларида 3 та болалар майдончаси ҳомийлик асосида ташкил этилгани болажонларимиз учун ажойиб совға бўлди.

Раёсат йиғилишида соғлом болани, айниқса, киз болаларни тарбиялаб вояга етказиш, замонавий билим ва касб-ҳунарни эгаллаши учун уларга кўмак бериш, ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдамни ўз вақтида ва манзилли кўрсатиш борасида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда эътирофга лойиқ ишлар қилингани айтиб ўтилди.

Жумладан, «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандлари ва иқтидорли болалардан 44 692 нафари учун музей, ботаника, ҳайвонот, маданият ва истироҳат боғларига, 414 нафарининг «Биз — Мустақиллик фарзандларимиз» шиори остида Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент шаҳарларига саёҳатлари ташкил этилди. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг қатор тарихий шаҳарларига 20 897 нафар кам таъминланган оила вакиллари учун саёҳатлар уюштирилди.

Бир сўз билан айтганда, ярим йиллик якуни бўйича Федерация Кенгаши томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасидаги тадбирлар ижроси учун касаба уюшмалари ва иш берувчилар томонидан 81 млрд. 975 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

Кун тартибидаги яна бир долзарб масала — 2014 йилги болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумининг боришига йиғилиш иштирокчилари алоҳида эътибор қаратишди. Таъкидлаш жоизки, жорий йил ёзги соғломлаштириш мавсумини ташкил этиш борасида касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда барча бўғин касаба уюшма ташкилотлари томонидан вазирлик, идора ва корхоналар ҳамда ҳудудий Мувофиқлаштирувчи гуруҳлар билан ҳамкорликда тизимли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, жорий йил апрел ойида Федерация Кенгаши Раёсатининг ёз мавсумига тайёргарлик кўриш ва ўтказишга оид қарори қабул қилиниб, Федерация Кенгаши ва аъзо ташкилотларда тезкор штаблар шакллантирилди. Мавсумга тайёргарлик кўриш жараёнида болалар хавфсизлигини, уларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар билан таъминлаш, малакали кадрларни жалб этиш ва оромгоҳларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ёзги соғломлаштириш мавсуми 26 майдан бошланиб, 17 июл ҳолатига 990 та оромгоҳда 245 минг 346 нафар бола соғломлаштирилди. «Соғлом бола йили» Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда жорий йилда жойлардаги кам таъминланган оилалар фарзандларини, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари ва турли соҳаларда меҳнат қилаётган кам таъминланган ходимларнинг фарзандларини имтиёзли дам олдиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Оромгоҳларда таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатдан яхшилаш ва ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишга катта аҳамият берилиб, жорий йилги мавсумда ихтисослаштирилган оромгоҳлар турлари кўпайтирилди. Хусусан, интеллектуал ривожлантириш, меҳнат ва дам олдириш, ҳарбий-спорт, ижтимоий-мослашув, экологик-биологик, ўлкашунослик, техник ижодкорлик ҳамда бадиий ижодиёт каби оромгоҳлар фаолият юритмоқда. Масалан, айни кунларда 15-18 ёшли болалар учун корхона, ташкилотларда 97 та меҳнат ва дам олдириш оромгоҳида 3 минг 173 нафар бола амалиёт ўташ билан биргаликда дам олдирилмоқда.

Оромгоҳларда Ўзбекистон Мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган маданий-маърифий ва спорт тадбирлари, «Мустақиллик — менинг тақдиримда», «Касаба уюшмалари — болаларга», «Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлакати» мавзуидаги болалар акциялари кўтаринки руҳда ўтказилмоқда. Жумладан, «Гўзал Ўзбекистон фарзандиман», «Шу Ватанга бордир менинг керагим», «Озод ва обод элнинг ўғлиман» мавзуларида суҳбат ва учрашувлар ўтказилиб, уларга таниқли ёзувчи ва шоирлар, профессор-олимлар таклиф этилмоқда. Болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирларда ёш эстрада хонандалари, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари фаол иштирок этаётир.

Раёсат йиғилишида яна бир қатор масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ishonch
2014-yil 22-iyul № 89 (3438)

«Кўзларимга тўтиё, юртим...»

(Давоми.
Бошланиши 1-саҳифада).

Ота-оналарнинг дуосига фаришталар ҳам «Омин» деб қўл очиб турармиш. Шунинг учун ҳам улар ҳамиша тонгни яхши ният билан қаршилайдилар.

Ўғилой бибининг 45 йиллик умри колхозда кечди. У 1945 йил 9 май куни таваллуд топган. Шу-шу меҳнатдан боши чиқмади. Тақдир унга 5 нафар фарзанд ҳадя этди, шу фарзандларгина унга қувонч бахш этди, келажакка умид уйғотди.

— Мустақиллик билан қайта туғилдим, — дейди онахон. — Озодлик менга куч берди. Қўлидан ҳеч иш келмайдиган, мункиллаб қолган мендек қарияни ҳам давлатимиз қанчалик эъзозлаяпти. 45 йил тинимсиз меҳнат қилсам ҳам қўлим калталигича қолган эди. Ҳозир ойма-ой почтачи бола даста-даста пул келтириб беради. Яратганга шукрона айтаман. Невара, чевараларим ҳазиллашиб мени «Бой биби» дейишади.

Онахон тирик тарих тимсоли.

— Қандай замонларни кўрмадик-а, — сўзини давом эттиради онахон афсус-надомат билан. — Инсон сифатида на қадримиз, на ҳурматимиз бор эди. Йил-ўн икки ой даладан келмасдик. «Ер халқники», дейишса-да биз, бечоралар ора йўлда қолгандик. На ерга, на оиламизга хўжайин эдик. Оиланинг бекаси бўлган аёл, даланинг қулига айланди. Игна ушлаган нозик қўлларимиз кетмон зарбидан қаварди. Аслида, бизнинг бор бойлигимиз кирза этигу, зилдай кетмон ва яна қуруқ ҳамён эди. Мана энди истиқлол туфайли фарзандларимиз мулк эгасига айланди, топганлари ўзлариники. Уларнинг толеини кўриб қувонаман. Бу дамларга кимлар етди-ю кимлар армон билан кетди, дейман, невараларимга. Ҳалол меҳнат билан элни ҳам, юртни ҳам, оилангизни ҳам фаровон қилинглар, дейман.

Президентимиздан айланай. Шундай кунларга халқни етиштирди-я. Эминэркин ишлайдиган замонлар келди. Иккита қизим Зулхумор ва Зубайдам тадбиркор. Усмонжоним давлат ишида ишлаб, пенсияга чиқди. Бухоро шаҳрида ҳовлиси, элга наф келтирадиган мол-мулки бор. Ҳайдаржоним ҳунарманд. Уларнинг камолини кўриб қувонаман. Ўзларига хон, ўзларига бек. Ҳисоблари ҳам аниқ... Замонангдан айланай, кексалар иззатда, ёшлар меҳнатда.

Мулкинг дахлсиз, ҳаётинг муҳофаза-ланган бўлса, ишлайсан-да, киши. Қани энди ёшлигим қайтса, Озодлик учун меҳнат қилсам!

Ҳали айтганимдек, тадбиркор неварам Шердоржон, ҳеч тиниб-тинчимайди. Икки боласи бору ерга урсанг, осмонга сакрайди. Ҳали у шаҳарга, ҳали бу шаҳарга бориб ноёб моллар келтиради, ҳамқишлоқларининг оғирини енгил қилади. Ҳар балони биладиган Зулхумор қизимнинг айтишича, банк халққа хизмат қил, деб одамларга омонатгами, кредитга катта-катта пул берар эмиш. Қаранг-а, давлатни ўзи пул бериб, халқини бой қилса-я!

Бу гапларни эшитиб, Шердоржоннинг юрагига қўл солдим. Неварагинамнинг ниятлари катта экан. Самарқанддан жўжаларга махсус ем олиб келиб, сотади. «Ишларим юришиб кетса фермер хўжалик тузиб қишлоққа шифохона қуриб бераман», дейди. Ниятингга ет, деб уни дуо қилдим.

Кўнгил хотиржамлигида ҳикмат кўп. Биз эса бирор кун хотиржам яшамадик, рўзғоримизнинг у ёғидан тортсак, бу ёғи очилади, денг. Уч қиз, икки ўғилнинг орзу-ҳавасини қилиб, элга қўшганча, қанча қийналганман. Ҳеч эсимдан чиқмайди, кеч куз эди. Бригадир бошлиқ уч-тўрт милиция ҳовлимизга кириб «пахта яшириб қўйгансанлар», деб ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб ташлабди. Далада эдим, қизим шу хабарни келтирди. Уйга учиб бордимми, чопиб бордимми, билмайман. Йиғлаб қўлларига ёпишдим, пахта йўқ, деб қасам ичдим. Шунда комиссия аъзоларидан бири тахмондаги кўрпаларни ағдариб, йирта бошлади... Қаранг-а, қандай замонларда яшаган эдик, меҳнатимиз ўзимизга буюрмасди, пахта экиб, читга зор эдик, дон экиб қорнимиз тўймасди...

Бугун эса фарзандларимиз, невараларимиз мулкдор. Қўша-қўша иморатлар қуряпти, ҳар икки оилада машина. Бу неъматларга шукр қилмаслик нонкўрликдир.

Онахон сўзлаб чарчамайди. Бирбиридан оқила келинлари эса атрофида парвона. Ўғилой биби катта келинининг чеварлиги қатори билимдонлигини ҳам мақтаб гапиради.

Айниқса, куёви Исрофил ҳақида гап кетса, онахон, куёвим эмас, ўғлим деб эъзозлайди. Куёви ҳам бибини, онажоним, деб шарафлайди.

Шофиркон туманидаги Саврак қишлоғи аҳли бу файзли хонадонга ўзгача ҳурмат, эҳтиром билан қарашади. Таббаррук онахоннинг дуосини олишга шошилишади. Тўй-маърака қилишса улуғимиз, деб маслаҳат солишади. Ҳаётнинг кўпдан-кўп синовларини бошидан кечирган Ўғилой биби эса, мустақилликнинг қадри ҳақида сўзлаб, ёшларни Она Ватанни севишга, халққа, миллатига содиқ фарзанд бўлиб, ҳалол меҳнат қилишга чорлаб чарчамайди.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири

Сўраган эдингиз

Савол: Чет элда ишлаб келиш ниятидаман. Бу масалада қаерга мурожаат қилсам бўлади?

А.БОБОЕВ,
Самарқанд вилояти

Жавоб: Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолияти тартиби тўғрисидаги Низоми»га мувофиқ, мамлакатимиз фуқаролари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, ҳукуматлараро, идоралараро шартномалар ва битимлар асосида фақат Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ва Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюроларнинг кўмагида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга чиқиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хусусий меҳнат контрактлари бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга фақат Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Савол: Қариндошим ишлаб юрган чет элдаги фирма билан унинг таклифига асосан меҳнат шартномаси имзоладим. Энди Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан чет элда меҳнат фаолияти учун бериладиган рухсатномани олиш учун қанақа ҳужжатларни тақдим қилишим лозим?

С.МАҲМУДОВ,
Андижон вилояти

Жавоб: «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолияти тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ, хусусий меҳнат контрактига эга бўлган фуқаролар чет элларда ижтимоий муҳофазаланишини таъминлаш мақсадида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этадилар:

ариза;

хорижий фирмадан (иш берувчидан) олинган, давлат тилига таржима қилинган, барча ижтимоий кафолатлар ва тиббий суғурта кўрсатилган, шунингдек, меҳнат визаси (EMPLOYMENT VIZA) билан таъминлаш борасида иш берувчининг мажбурияти назарда тутилган ҳолда нотариал тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасаси томонидан легализация қилинган контракт нусхаси.

Агар ҳужжатга апостил қўйилган бўлса, легаллаштириш талаб этилмайди;

иш берувчи тўғрисидаги қисқа маълумотлар;

маълумотнома-холиснома;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тегишли шаклдаги соғлигининг ҳолати тўғрисида маълумотнома.

Савол: Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги рухсатномасини олиш учун қанча миқдорда тўловлар амалга оширилади?

О.МАНСУРОВ,
Қашқадарё вилояти

Жавоб: Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2004 йил 4 августдаги 81-сонли «Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар бериш (амал қилиш муддатини узайтириш), юридик шахсларга хорижий ишчи кучини жалб қилиш учун рухсатномалар бериш (амал қилиш муддатини узайтириш) ва хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалари бериш (амал қилиш муддатини узайтириш) учун тарифларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар бериш (амал қилиш муддатини узайтириш) учун энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида тўлов амалга оширилади.

Саволларга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими Тимур ҚИЛИЧОВ жавоб берди


Томорқа хўжалиги

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз: ҳовлингизда, томорқангизда неча хил мевали дарахт бўлиши керак? Бу саволга Бўз туманининг Ховос қишлоғи Гулистон маҳалласида яшовчи Миркомил ака Яхшиев жавоб топиб улгурган. Ҳовлисига кирсангиз гилос, ўрик, олма, нок, беҳи, шафтоли, бодом, хурмо, анжир, анор — ўн хил мевали дарахтлар яшнаб турибди. Парваришдаги жиддий эътибор боис улардан ҳар йили сара ҳосил йиғиб-териб олиняпти. Рўзғордан ортгани бозорга чиқади. Хомаки ҳисоб-китобга қараганда, шунинг ўзидан ҳар йили 6 миллион сўмдан зиёд даромад бор.

Имкониятнинг уч қирраси

Миркомил ака иссиқхонада картошка ва помидор етиштириш тажрибасини амалда қўллаган миришкорлардан. Бу мавсумда ҳар бири уч сотихлик иккита иссиқхона мўмай сармоя манбаига айланди. Картошкадан бўшаган ерга қанд лавлаги экилди.

Хонадон соҳиби узоқ йиллардан буён чорва парваришига ҳам алоҳида эътибор бериб келяпти. Ҳозир оғилхонада 10 бош қорамол боқиляпти. Бундан келадиган йиллик даромад камида 15 миллион сўмга боради. Дарахтлар орасига жойлаштирилган 25 қути асалари эса қариндошлар-у қўни-қушниларнинг ҳам табиий ва шифобахш неъматдан баҳраманд бўлишига хизмат қиляпти.





Хонадон аъзолари ҳалол меҳнат эвазига иморат тиклаб, тўйлар қилишяпти. Яқинда эса «Нексия» русумли енгил автомобил сотиб олишди.

Шу маҳаллада истиқомат қилувчи Турсунбой Исомиддинов оиласи ҳам томорқадан омилкорона фойдаланиб келади. Иссиқхонадаги помидор, картошка ва лавлаги ҳосилидан топилган даромад бир мавсумда ўртача 10 миллион сўмни ташкил қилади. Гулистонлик яна бир миришкор — Ғафуржон Юсупов эса гул шайдоси. Турли анвойи гулларни парваришлаб кўпайтиради. Уларнинг доимий харидорлари бор. Ўтган йили шу тариқа 5 миллион сўм соф фойда олинди.

Томорқасидан мўмай даромад олиб, уй-жой тиклаётган, тўй қилаётган оилалар қанча кўпайса, шунча яхши. Бу, аввало, юртга фойда. Қолаверса, хонадонда ҳалол меҳнатга иштиёқ, муҳаббат камол топади. Ўзингиз етиштирган неъматларнинг экологик жиҳатдан тозалигига ўзингиз масъулсиз. Келинг, кетмонни қўлга олинг, томорқангиз бўлса, бир қарич жойи ҳам бўш қолмасин, кам бўлмайсиз.

Нурилло НЎЪМОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Хурсандбек АРАББОЕВ
олган суратлар

Реклама ва эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси.

«REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2014 йил 22 август куни соат 11-00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ўтказиладиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 27.11.2012 йилдаги 10-1218/16125-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган Тошкент шаҳар «DIA» масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг 21.07.2014 йилдаги 5-сонли йиғилиш баённига ва тугатиш бошқарувчисининг 21.07.2014 йилдаги 77-СУ-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидаги бошланғич баҳоси 318 652 000 (Уч юз ўн саккиз миллион олти юз эллик икки минг) сўм бўлган Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 12/в-уй манзилида жойлашган маъмурий бино иншоотлари ҳамда 25 номдан иборат асосий воситалари, товар ва моддий бойликлари билан бирга мужассам ҳолда қўйилмоқда.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2014 йил 21 август кунига қадар соат 10-00 дан 16-00 га қадар қабул қилинади. (13-00 дан 14-00 гача тушлик).

Аукцион савдоси ғолибига 10 кун муддатда олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устав нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «REALTOR-CONSULTING GROUP» МЧЖ, х/р: 20208000700234536001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 207186573, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар (25 номдан иборат асосий воситалари, товар ва моддий бойликларининг рўйхати, номи, тавсифи) билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Аукцион ташкилотчиси - «REALTOR-CONSULTING GROUP» МЧЖ.

Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Лицензия RR 0170, тел: 8 371 233-21-18.

Интернетдаги манзилимиз: www.rcg.uz e-mail: rc.group@inbox.ru.

Хизматлар лицензияланган.

Фарзандлар камоли, оилалар аҳиллиги йўлида

(Давоми.
Бошланиши 1-саҳифада).

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони аёлларни ижтимоий ҳимоялаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, фаолияти хотин-қизларга оид жамоат ташкилотлари ишини доимий мувофиқлаштириш бўйича амалий чора-тадбирларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуруламал бўлаётир.

2014 йилнинг ўтган олти ойи давомида хотин-қизларни иш билан таъминлаш дастурига асосан 228 минг 800 дан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди. Бу режалаштирилгандан анча кўпдир. Иш жойлари ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларини ошириш, кичик бизнес корхоналари ва якка тадбиркорликни ривожлантириш, уй меҳнатининг барча шаклларини ташкил қилиш, фермер хўжаликлари, ишлаб чиқариш, ижтимоий бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига яратилди.

Тижорат банклари томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизларга 521,4 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида «Банк ва коллеж хамкорлиги» лойиҳасининг «Ёшларнинг бизнесдаги биринчи қадами!» деб номланган иккинчи босқичи муваффақиятли ўтказилди. Унга кўра битирувчи ёшларга бошланғич сармоя ажратилиши бўйича сертификатлар, тикувчилик билан шуғулланиш ниятида бўлган қизларга тикув машиналари тақдим этилди.

Касб-ҳунар коллежларини бу йил тамомлаган ёшларнинг 49 фоизини қизлар ташкил этади. Ўрта махсус таълим даргоҳларида жамоатчилик ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган махсус штаблар қизларни ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Хотин-қизлар саломатлигини асраш, профилактика чораларини кучайтириш масаласи қўмита фаолиятининг доимий эътиборида. Жорий йилнинг январ-май ойларида турли ҳудудлардаги 5 миллион 772 мингдан ортиқ аёл ва салкам 6 миллион бола тиббий кўрикдан ўтказилди. Спорт-соғломлаштириш лойиҳаларининг муваффақиятли татбиқ этилиши самарасида жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланаётган хотин-қизлар сафи кенгайиб бормоқда.

— Ўтган даврда аёлларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг лойиҳаларини ҳаётга жорий этишга яқиндан кўмаклашиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Зуҳра Иброҳимова. — Бандлик дастури доирасида аёллар учун 10 минг 600 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Буларнинг барчаси маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтиришда асосий омил бўлмоқда.

Йиғилишда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, тўйлар, турли оилавий тадбирларда исрофгарчиликка йўл қўймаслик, оила қуришда ёшлар, ота-оналар масъулиятини кучайтиришга оид ишларни ташкил этишда маслаҳатчиларнинг фаоллигини кучайтириш, хотин-қизлар қўмитаси бошланғич тузилмалари ишининг самарадорлигини янада ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди, истиқболдаги режалар белгилаб олинди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Реклама ва эълонлар

«Касаба қурилиш таъмир» шўъба корхонаси томонидан Самарқанд вилояти Ургут туманида ва Наманган вилояти Норин туманида олиб борилаётган қурилиш ишларига қурувчи-мутахассислар

ДОИМИЙ ИШГА ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Мўйноқ кўчаси, 15-«а» уй.

- **Мурожаат учун телефонлар:** (8571) 298-17-99,
- **Самарқанд вилояти бўйича:** (+99894) 672-99-56,
- **Наманган вилояти бўйича:** (+99890) 354-74-51.



Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси ташкилий ишлар бўйича мутахассис Бахшан Сафаловага волидаи муҳтарамаси **ХОНИМ ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ishonch
2014-yil 22-iyul № 89 (3438)

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт



Таэквондо

Жанубий Кореянинг Генжу шаҳрида Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олган таэквондонинг WTF йўналиши бўйича катталар, ўсмирлар ва кадетлар ўртасида Корея очиқ чемпионати баҳслари ўтказилди.

ШОҲСУПАГА ЙЎЛ

Нуфузли мусобақада дунёнинг 73 давлатидан келган 2209 спортчи кўруги ва пумсе йўналишида ғолиблик учун кураш олиб борди.

Якунда мамлакатимиз таэквондочилари (жами 38 нафар) 5 та олтин, 3 та кумуш ва 8 та бронза медалига сазовор бўлиб, юртимиз таэквондо мактаби қай даражада ривожланиб бораётганини яна бир бор исботладилар.

Пумсе йўналишида Мавлонжон Рустамов ва Нодирахон Шермуҳамедова олтин, Мафтуна Толипова кумуш, Баҳодир Аловхонов, Зафарбек Сатторов, Машрабжон Бозорбоев бронза медалини қўлга киритди.

Кўруги йўналишида кадетлар ўртасида бўлиб ўтган мусобақада Мадина Рўзиева кумуш, Ирода Миртожиева, Абдураҳмон Зокиржонов ҳамда Олег Тай бронза медалига сазовор бўлди.

Ушбу йўналиш бўйича ўсмирлар ўртасидаги мусобақаларда уч спортчимиз — Нияз Пўлатов, Саидолим Нўъмонов, Шахбоз Шофайзиев ўз вазнларида барча рақибларини мағлуб этиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Бундан ташқари, Давлатжон Давронов ва Нигора Турсунқулова бронза медали соҳиби бўлди.

Кўруги йўналиши бўйича катталар ўртасидаги баҳсларда Никита Рафалович кумуш, Наталя Маматова эса бронза медали билан тақдирланди.

Бокс

Ўзбекистонлик ёш боксчилар Сербиянинг Суботица шаҳрида ўтказилган анъанавий халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этди.

СУБОТИЦАДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

Йигирмадан зиёд мамлакатдан ёш чарм қўлқоп усталари иштирок этган турнирда Марат Қурбонов бошчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари 8 медални қўлга киритди.

Вазни 56 кг.гача бўлган боксчилар баҳсида қатнашган Абдулҳай Шораҳматов туркиялик Омер Кож, кипрлик Михалис Иоанноу ва ҳал қилувчи беллашувда россиялик Павел Фёдоровни мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.



Ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати совриндори Козимбек Мардонов ҳам (75 кг.)даги чарм қўлқоп усталари ўртасида тенгсиз эканини исботлади. У австралиялик Клай Ватерман, кипрлик Панай Оноуфриос, франциялик Луис Тоутин ва мезбонлар вакили Миралем Ахмети устидан ғалаба қозониб, олтин медалга сазовор бўлди.

Сулаймон Латипов ва Маҳмуд Ғойипов иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, Бобирмирзо Толипов, Бектемир Меликўзиев, Обиджон Тоҳиров ва Раҳматилла Ғофуров бронза медал билан тақдирланди.

Шарқ якка курашлари

Орландо (АҚШ) шаҳрида якунига етган Шарқ якка курашлари бўйича жаҳон чемпионатида спортчиларимиз муносиб иштирок этишди.

«ОЛТИН КАМАР»

Дунёнинг қирқ давлатидан келган мингдан ортиқ спортчи ғолиблик учун кураш олиб борган мусобақада юртимиз шарафини Ўзбекистон комбат айкидо ассоциацияси вакиллари ҳимоя қилишди.


Фулл контакт йўналишида барча рақибларини мағлубиятга учратган Искандар Мирзаев, Ҳабиб Қурбонов, Нозим Умаров олтин медалга сазовор бўлиб, шоҳсупанинг биринчи поғонасига кўтарилди.

Қувонарлиси, профессионал жангчилар ўртасидаги беллашувларда қатнашган Искандар Мирзаев барча рақибларни мағлубиятга учратиб, «Олтин камар»ни қўлга киритди.

Лайт контакт йўналишида ҳам муваффақиятли иштирок этган Нозим Умаров яна бир олтин медални термамиз ғазнасига қўшиб қўйди. Ҳабиб Қурбонов бу йўналишда бронза медали билан кифояланди.

Энди жангчиларимиз жорий йилнинг сентябр ойида Италияда ташкил этиладиган Жаҳон чемпионати ва октябр ойида Таиландда ўтказиладиган Осиё чемпионати баҳсларида иштирок этишади.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири



ҲУР ОНА

Қатра

Ҳали элликни ҳам қоралаган Матлуба опанинг таъзиясига бутун маҳалла кўчиб келди. Дўппидеккина ҳовлига одам сиғмай, маъракани дармиён қўшни Султон аканикига ҳам кўчиришди. Майитга жаноза ўқилиб, тобут ердан кўтарилганда Турсун бибининг аччиқ фарёди еру кўкни тутди:

— Ҳур бўлиб кетган болаамм...

***

Уззукун оёқда тик турибми ё маъракадаги югур-югурданми, кечқурун уйга ҳорғин қайтдим. Тўғри ошхонага йўналдим. Ойим супача устидаги хонтахтага энди дастурхон ёзиб, овқат сузиш учун косаларни тайёрлаб турган экан.

— Овқатланиб ол, даданг ҳозир чой ичиб кетди.

— Ўзингиз-чи, — ойимга меҳрибонлигим тутди.

— Сен ўзингни кўравер, мен Бахтиёрларникига чиқиб келай, бечоралар роса очиқишгандир.

Ойим шундай дея дераза токчасидаги саватча катталигидаги дастурхон ўроғлиқ нарсани қўлига олди. Бахтиёр бугун раҳматли бўлган Матлуба опанинг ёлғиз ўғли. Бурноғи йил уйланиб, болали бўлишга ҳам улгурди, хумпар. Шундай дейману яна ўйлайман: унга ичим ачийди. Болалигидан отасиз ўсган. Кафтдеккина ҳовлида амакиси билан сиқилиб яшайди. Қартайиб қолган бувиси ўзини эплолмай қолган. Бу кампирнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиш ҳам унинг гарданида (аслида хотини кўзқулоқ бўлади). Эсимни танiганимдан бери Бахтиёр билан жўраман. Баъзи вақтлар уйига бориб қолсам, аяси Матлуба опа албатта сийламай жўнатмасди. Тортинганча бу пазанда аёлнинг қўлидан егуликни олиб чўнтагимга солардим. Кўчага чиққан заҳотим паққос туширардим..

***

— Бугун ҳам ишга бормайсанми, ўғлим? — Ҳеч қаёққа ошиқмаётганимни кўриб, ойим ажабланди.

— Бахтиёр яқин ўртоғим, кейин қўшничилик, унга ҳозир оғир, ёнида бўлсам дейман, ойи.

— Тузук ўйлабсан, ўғлим. Даданг ҳам ҳозиргина чиқиб кетди. Бор, бора қол.

Турсун биби қизининг ғамида ҳушсиз бўлиб йиқилган экан, ўзига келди. Кимдир пиёлада совуқ сув ичирди, кимдир тортилиб қолган оппоқ қарс рўмолини тартибга келтирди. Бошқалар кўзлари чўккан, ажинлар юзларига соя тортган бу қарияни овутган бўлишди:

— Энди тақдир шу экан-да, холажон.

— Мана неварангиз Бахтиёржон ёнингизда турибди-ку, қизингизнинг ёдгори...

Ҳеч бир гапга қўшилмай, жавоб бермай турган Турсун биби мана шу иқрордан кейин уввос тортиб, кечагидек қулоқларни қоматга келтириб, юракларни ўртаб фарёд қила кетди:

— Вой, азиз болам, меҳрибонгина болам, кўзимнинг оқу қораси... ҳур кетган болам...

«Ҳур кетган...»

Бу гапни бугун иккинчи бор эшитдим. Раҳматли Матлуба опанинг азизлиги, меҳрибонлиги ҳақиқат. Ёлғиз ўғли Бахтиёрга бор меҳрини берганидек



онаси-ю акасига, умуман, ҳаммага дил тафтини берарди. «Кўзимнинг оқу қораси...» Бу ҳам рост. Чунки Турсун бибининг якка қизи эди. Аммо мана бу гап менга ноаён эди: «Ҳур кетган болам...»

***

Кечқурун яна очиқиб қайтдим уйга. Ойим бу гал ширгуруч ҳозирлаган экан.

— У ёққа-чи? — таомил бўйича уч кун таом узатиладиган таъзияхона томон имо қилдим.

— Обордим, — деди ойим хотиржам.

— Ойи, Турсун биби...

— Ҳа, бояқиш кампирга қийин бўлди, — деди ойим ҳали мен гапимни тугатмай ва мақсадимни ҳам тушунмай.

Мен муддаога ўтдим:

— Ҳур қиз, дейди, Матлуба опанинг ўғли бор-ку, Бахтиёр?!

Ойим хўрсинди. Назаримда, Матлуба опа билан боғлиқ аллақандай сир бор эди, бундан воқиф бўлган ойим уни қандай аён этишни билмай қийналаётганди. Бир ҳўплам чой ичиб, пиёлани дастурхонга қўйди-да, ҳазинлик билан гап бошлади.

— Раҳматли Матлуба ҳаётда турмуш қурмаган.

— А?! — лунжимдаги овқатни чала-чулпа ютиб юбордим. Нигоҳим ойимда, ҳайрону лол тикилиб турибман.

— Бахтиёр туққан ўғли эмас, — ҳикоясини давом эттирди ойим, — жияни. Айни ўйнаб-куладиган чоғида жувонмарг кетган катта акасининг ёдгори. Акаси хотинини жуда яхши кўрарди. Аммо у... Бу пайт Бахтиёржон ҳали ёшига ҳам тўлмаганди... Кейин аламига чидай олмай ароққўрликка берилади. Бир кечаси у уйига келмайди. Эртаси тонгда қўшнилар уни ариққа йиқилиб, ўлиб ётган ҳолда топишади. Шундан кейин болага ичи ачиб, Матлуба уни парваришлашни зиммасига олади. Бахтиёр илк бор тили чиққанда, Матлубани «ая» деганда қувончдан йиғлаб юборганди шўрлик. Ўшанда у сенинг ёшингда эди. Ўзи Бахтиёрни оёққа турғазди, боғчага қўйди, мактабга олиб борди. Ишга жойлаштирди. Бошини иккита қилди. Мана энди куни битган экан... — ойимнинг кўзлари ёшланди.

— Нега турмушга чиқмаган, ҳеч ким совчи қўймаганми?

— Нега энди? Кўп жойдан келганди совчилар. Ўзи унамади. Бола билан қайси ҳовлига сиғаман, деб ўйлаган бўлса керак-да? Майли, болам, овқатингни е. Совиб қолди.

Ойим яна ўз юмушига берилди. Мен эса чек-чегараси йўқ хаёл уммонига шўнғидим. Бир ожиза аёлнинг матонати, мардлиги мени ҳайратга солганди. Мана шу жасорати учун ҳам маҳалладагилар у кишини яхши кўрган экан-да? Дарвоқе, Бахтиёр-чи? Бу сирдан воқиф бўлгач, нима деркин? Юрагимни нотинч қилган бу ўйга тезда жавоб топилди. Қадрдон ўртоғимни уч кундан сўнг тасодифан кўчада кўриб, унинг шошиб юрганидан ҳайрон қолганимда, ўзи изоҳ киритди:

— Қабр бошига боришим керак. Панжаранинг ранги ўчиб, занглаб кетибди, бошқатдан бўяб қўяй. Аммажон... аяжонимга ҳали ўрнатмадикку-я, дадамники... — Мана шу ерда томоғига бир нарса қадалгандек сўзлашга оғринди, аммо дилидагини мен, сирдош ўртоғига ёрди. — Аям охирги куни йиғлай-йиғлай ҳақиқатни айтди.

Кўзларимда ёш ҳалқаланиб, елкасига оҳиста қоқдим: «Бардам бўл, ўртоқ»...

Умид АЛИ

ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ...

Конфуцийдан бир ҳовуч гавҳар

Сукунат ҳеч қачон сотмайдиган дўст.

***

Қанчалик секин одимламагин, бу тўхтаб қолишдан яхширокдир.

***

Одам эзгулик ҳақида қанча кўп ўйласа, дунё шу қадар кенг ва порлоқ кўринади.

***

Силлиқ тошдан дарз кетган олмос яхши.

***

Дўстларга ишончсизликдан кўра уларнинг ишончсизлигини қабул қилиш уятлироқ.

***

Тўғри сўзла, жаҳлга йўл берма, саховатли бўл: бу уч амал сени Тангрига яқинлаштиради.

***

Агар бир йилни ўйласанг дон сеп, ўн йилни ўйласанг дарахт ўтқаз, юз йилни кўзласанг билим ўрган.

***

Ғалабага ишонч, омадга умид, имкониятларни тўла намоён этишга иштиёқ — булар ёпиқ эшикка калитдир.

***

Донишмандликнинг уч йўли шу: олижаноблик билан фикрла, чин дилдан ихлос қил, ўзингни энг қийин тажриба йўлида сина!

***

Комил инсоннинг нуқсони ойнинг доғига ўхшайди. Ойнинг доғи яққол кўриниб турса-да, барча уни шу ҳоли билан яхши кўради.

Кундуз СУЛТОНОВА
тайёрлади



САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСКАНИ

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти битирувчиларига мутахассислик дипломи топширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Мазкур институт мамлакатимиз иқтисодиёт ва саноат тармоқлари учун малакали кадрлар тайёрлаб бераётган замонавий олий ўқув юртларидан бири.

2013-2014 ўқув йилида институтни 27 таълим йўналиши бўйича 1 минг 295 нафар бакалавр муваффақиятли тамомлади. 57 нафар иқтидорли талаба имтиёзли дипломга сазовор бўлди. Шунингдек, 10 мутахассислик бўйича 68 магистр меҳнат фаолиятини бошлаш арафасида.

Суратда: (чапдан) битирувчилар Феруза Турдиева, Аброр Раҳматов, Камола Қодирова ва Суҳроб Одилов.

ЎзА фотомухбири
Жамшид НОРҚОБИЛОВ
олган сурат

АСР ВАБОСИ

ундан сақланиш огоҳликдан бошланади

Ҳожи Абдураззоқ ЮНУСОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари

Асримизда инсоният келажагига хавф солиб турган энг хатарли иллатлардан бири ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) касаллигидир. ОИТС касаллиги дарди бедаво, ҳозиргача унга қарши шифо топилганича йўқ. Инсоният Аллоҳнинг амрини бажаришдан қанчалик бўйин товласа, у ҳаром қилган ишлардан ҳазар қилмаса, Аллоҳ гуноҳкорлар бошига турли бало ва офатлар солаверади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларининг бирида шундай деб марҳамат қиладилар: *«Қайси бир қавмда бузуқчилик авж олса, Аллоҳ таоло ўша қавмга бир балони юборадики, бу балони уларнинг ота-боболари ҳам кўрган эмас».*

Маълумки, ОИТС касаллигини келтириб чиқарувчи энг асосий омил ахлоқсизликдир. Динимизда у гуноҳи кабиралардан ҳисобланади. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: «Зинога яқинлашманглар! Чунки у бузуқлик ва ёмон йўлдир». (Ал-Исро, 32)

«Яқинлашманглар» деган сўзда кенг маъно бўлиб, бунда бузуқчиликка олиб борувчи барча сабаблардан ҳам сақланиш тушунилади. Зинокор ўз нафсига хиёнат қилган бўлади. Чунки у бу гуноҳи орқали дунёда турли касаллик ва маломатларга, охиратда эса, аламли азобга дучор бўлади. Ўзининг жуфти ҳалоли унга ишониб, садоқат кўрсатса-ю, вафо билан жавоб қайтармасдан, оилага хиёнат қилган бўлади. Бу зино келажак наслларга ҳам хиёнатдир. Улар жирканч ишга мубтало бўлган ота-она сабабли майиб-мажруҳ, ногирон ҳолатда туғиладилар. Умрларининг охиригача машаққат билан ҳаёт кечирадилар. Муҳтарам Президентимизнинг мана бу сўзларини эслаб ўтиш жоиз деб биламан. «Бу ҳаёт ҳаммамизга ҳам азиз, ҳамма ҳам шу ҳаётда яшайди. Ҳаёт тез ўтади. Лекин гап шундаки, биз яшайдиган мана шу Ватан ҳақиқатан ҳам барчамизники. Одам нима учун туғилади? Яхшилик учун, яхши ҳаёт кечириш учун, яқинларига яхшилик қилиш учун, Ватани, юрти учун ўзидан бирон-бир ижобий из қолдириш учун яшайди. Аллоҳ таоло бизларга мана шундай интилиш билан яшаш учун ҳаёт ато этган».

ОИТСга олиб борувчи иллатлардан яна бири гиёҳвандликдир. Маълумки, XX асрнинг иккинчи ярмидан то биз яшаётган ҳозирги кунга қадар гиёҳвандлик балоси бутун Ер юзи бўйлаб вабо каби тез суръатлар билан кенг тарқалиб бормоқда. Бу разолат манбаи саналмиш афюнли гиёҳлар «лаззати»га берилиш, унинг ҳатто мактабда таълим олаётган баъзи ёшлар, институт талабалари, эркагу аёллар ўртасида баробар илдиз отиб бораётгани ҳар қандай ақл-идрокли кишини бефарқ қолдирмаслиги керак.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда тозапок нарсаларнинг ҳалол экани ва нопок нарсаларнинг ҳаромлигини одамларга билдириш учун Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломни бутун башариятга элчи қилиб юборди. У киши ҳадислардан бирида: *«Ҳар бир маст қилувчи нарса ҳаром»*, — дедилар (Имом Муслим ривояти). Яъни одамнинг ақлини оздирувчи, ҳушини кетказувчи нарсаларнинг барчаси ҳаромдир. Шу жумладан, гиёҳванд моддалар ҳам.

Гиёҳвандликнинг ҳаромлигига далолат қилувчи яна бошқа бир қанча оят ва ҳадислар мавжуд. Аллоҳ таоло: «...Ўз қўлларингиз билан ўзларингизни ҳалокатга ташламангиз!...» (Бақара, 195). Бошқа бир оятида эса: «Ўзларингизни ўзларингиз ўлдирмангиз...» — деган (Нисо, 29).

Аллоҳ таоло инсонларни ўз жонига қасд қилмасликка, шунингдек, ўзгаларнинг ҳам қонларини ноҳақ тўкмасликка буюради. Гиёҳванд эса охири ўлимга олиб келадиган нарсаларни истеъмол қилиш билан ўз жонига ўзи қасд қилган бўлади.

Бир ҳадиси шарифда: *«Ҳар ким ўзини-ўзи бирор нарса билан ўлдирса, қиёмат куни дўзахда унга ўша нарса билан азоб берилади»*, — дейилади.

Имом Аҳмад ва Ибн Можа ривоят қилган ҳадиси шарифда: *«Ислом динида ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам зарар келтиришлик йўқ»*, — дейилади. Гиёҳвандликнинг зарарлари эса беҳисобдир.

Гиёҳвандликка сарф этиладиган харажатлар шахсга ҳам, жамиятга ҳам иқтисодий зарар келтириши билан бениҳоя исрофгарчилик ҳисобланади. Исроф эса, Қуръон ва ҳадис билан ҳаром қилинган. Аъроф сурасининг 31-оятида: «...Еб-ичинглар, лекин исроф қилманглар, зеро, Аллоҳ таоло исроф қилувчиларни хуш кўрмайди», Исро сурасининг 27-оятида эса: «Албатта, исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидир. Шайтон эса, Парвардигорига ўта ношукур эди», — дейилади. Молу бойликни беҳуда сарф этиш шариатда ҳаром саналганидан кейин, гиёҳванд модда каби кони зарар нарсаларга сарф этиш нега ҳаром бўлмасин?!

Гиёҳванд моддани доимий истеъмол қилишга дучор бўлган кишилар, жумладан, ухлай олмаслик, сустлик, аъзойи баданининг оғриши, иштаҳасизлик, ғамгинлик, кўзнинг ёшланиши, титроқ, увишиш, юрак ўйнаши, кўнгил айниши ва бошқа шу каби жуда кўп дарду балоларга гирифтор бўлади.

Бу иллатнинг салбий оқибатлари фақат шахс ёки жамиятгагина эмас, балки бориб-бориб мамлакат барқарорлигига ҳам путур етказиши мумкин.

Ўз навбатида, гиёҳвандликнинг оилага етказадиган зарарлари талайгина. Ҳолбуки, оила жамиятнинг асосий ҳужайраси. У соғлом бўлса, жамият ҳам соғлом бўлади, агар у касалланса, жамиятнинг пойдевори дарз кетади, натижада унинг устига қурилган бино заифлашади.

Бундай касалликка учраганлар, аввало, руҳий озуқага, қолаверса, тиббий муолажага муҳтождирлар. Шунинг учун уларнинг яқинларига гиёҳвандликка чалиниб қолганлардан ўз меҳрларини аямасликни, ёлғизлатиб қўймасликлари ва иложи борича тезроқ тиббий кўрикдан ўтказиб даволашга ҳаракат қилишларини тавсия этардик.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда мўмин-мусулмонларни ўзаро бир-бирларини эзгулик, хайрли ва савобли ишларга буюриб, ёвузлик, ёмонлик ва гуноҳ ишлардан қайтариб туришни фарз қилган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: *«Эй умматларим, агар сизлар бир-бирларингизни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариб туришни тарк этсаларингиз, бошингизга шундай бир бало ва офат келадики, у яхши-ёмонга баробар фожиа бўлади»*, — деб огоҳлантирганлар. Ушбу ҳадиси шарифга биноан, гиёҳвандликка қарши кураш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Динимиз покликка, озодаликка буюрар экан, бунинг заминида инсоннинг саломатлиги ётади.

Гиёҳвандлик офатидан халқимизни ва келажак авлодни халос этиш ва уларни моддий ҳамда маънавий баркамоллик сари йўналтиришдек умумбашарий хайрли ишларимизда Аллоҳнинг Ўзи мададкор бўлсин.

Иллат

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
A.Toshev
Navbatchi:
S.Abdurahmonov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 00. 30
Topshirildi - 00. 40

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 718 | 13934 nusxada bosildi | 1 2 3 - 5